

BAHMAL

GAZETA 1972-YIL
1-APRELDAN
CHIQA BOSHLAGAN



**BAHMAL
TUMANI
HOKIMLIGI
GAZETASI**

HAYOTI

№ 3-4 (5075-5076)

22-yanvar 2024-yil, dushanba

Bahosi erkin narxda

ISSN 2010-9733

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ОЛТМИШ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ

2024 йилнинг 19 январь куни Халқ депутатлари Бахмал тумани Кенгашининг навбатдаги олмиш еттинчи сессияси бўлиб ўтди.

бошқариш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини

ўринбосари Ў.Юлдашевнинг ҳисоботи депутатлар эътиборига ҳавола этилди.

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурату-

тида кўриб чиқилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ҳамда Халқ қабулхонасига 2023 йил давомида келиб тушган

туман Кенгаши котибияти ва доимий комиссияларининг 2024 йилга мўлжалланган иш режаларини тасдиқлаш тўғрисида ҳамда Бахмал тумани ҳокимининг 2024 йил 12 январдаги "Бахмал туман ИИБ ЖХХ ХПБ ИПГ катта инспектори майор А.Абдуллаевни 3-сектор котиби вазифасига бириктириш тўғрисида"ги 11-3-44-Қ/24-сонли қарорини тасдиқлаш тўғрисида ахборот берган Халқ депутатлари Бахмал туман Кенгаши котибияти мудир Б.Амановнинг ахбороти ҳам кун тартибдаги масала сифатида депутатлар томонидан қизгин мунозараларга сабаб бўлди.

Шунингек Халқ депутатлари Бахмал туман Кенгашининг навбатдаги олмиш еттинчи сессияси кун тартибига киритилган 2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар ҳисоботи тўғрисида туман иқтисодиёт ва молия бўлими мудир И.Кенжаевнинг ахбороти ҳам депутатлар томонидан кўриб чиқилиб, тегишлича қарор қабул қилинди.

Ўтказилган сессия давомида депутатлар сессия кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан фикр мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Сессия якунида кун тартибдаги масалалар юзасидан туман Кенгаши депутатлари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Халқ депутатлари Бахмал туман Кенгашининг навбатдаги олтиш еттинчи сессиясида қабул қилинган қарорлар матни билан газетамиз саҳифаларида танишишингиз мумкин).



Сессия кун тартибда қўйилган масалалар депутатлар эътиборига ҳавола этилди:

- Туман сектор раҳбарларининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан ҳисоботлари ҳамда 2024 йил I-чоракка мўлжалланган "Йўл хариталари"ни тасдиқлаш тўғрисида;

Кун тартибдаги биринчи масала юзасидан тумандаги тўртта сектор раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

- Туман прокуратурасининг 2023 йил 12 ойида туман ҳокимлиги, туман ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи

таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳамда уни ижро этиш, амалга оширилаётган ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида фаолияти тўғрисида;

Бу тўғрида Бахмал тумани прокурори Ш.Абравалов ҳисоботи эшитилди.

- Туман ички ишлар бўлимининг 2023 йил давомида жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида туман ИИБ бошлиғи

раси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Бахмал тумани бўлимининг 2023 йилда амалга оширилган ишлари тўғрисидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Бахмал тумани бўлими бошлиғи Ў.Шарипов сессия қатнашчиларига ахборот берди.

- Туман адлия бўлими ҳуқуқий тартибот ва маърифат ишларининг ахволи, қонун ҳужжатларини тарқатиш ҳамда ижрочиларга етказиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш ишлари бўйича 2023 йил мобайнидаги фаолияти юзасидан Бахмал тумани адлия бўлими бошлиғи Н.Қодировнинг ахбороти тўғрисидаги масала ҳам кун тар-

муражаатлар натижаси ҳамда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастури ижроси ва "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ешлар дафтари" доирасида туманда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳамда тумандаги маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчиларининг 2023 йил давомидаги фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бахмал туманидаги Халқ қабулхонаси мудир Ф.Мухторовнинг ахбороти сессия иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

- Халқ депутатлари Бахмал туман Кенгашининг, Халқ депутатлари

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

Бахмал тумани сектор раҳбарларининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан 2024 йил I-чоракка мўлжалланган "Йўл хариталари"ни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4102-сонли қарорларига асосан туман аҳолиси учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий муҳитни яхшилаш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини кенг қўламда ривожлантириш, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" борасида амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлигини таъминлаш, секторлар раҳбарлари фаолиятини кучайтириш ва масъулиятини ошириш мақсадида туман секторлар раҳбарларининг 2024 йил I-чоракка мўлжалланган "Йўл хариталари"ни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳисоботиغا асосан, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6- ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада тако-

миллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4102-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2023 йил 2 май кунги "2023-2025 йилларда Жиззах вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш қаратилган қўшимча чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-146-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 июлдаги 346-Ф сонли фармойиши ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш борасида тегишли чора-тадбирлари тўғрисида туман сектор раҳбарларининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман сектор раҳбарларининг ҳудудини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан

2024 йил I-чоракка мўлжалланган "Йўл харитаси" иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман сектор раҳбарларига: "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган эҳтиёжманд оилаларни ҳар томон-

лама қўлаб-қувватлаш; оилаларнинг турмуш шароитини яхшилашнинг эвазига "Темир дафтар"дан чиқариш, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш;

"Темир дафтар"да қолган оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш бўйича тизимли ишларни давом эттириш;

"Аёллар дафтари"га киритилган аёлларга йўналишлар бўйича амалий ёрдам кўрсатилишини алоҳида назоратга олиш;

ишга муҳтож ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш;

касб-ҳунарга ўқиш истаги бўлган хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш;

хотин-қизлар тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун уларга кредитлар ажратиш;

боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд ва ногиронлиги бор ҳамда қарамоғида ногирон болалари мавжуд ёлғиз аёлларга доимий ёрдам кўрсатиш;

"Ёшлар дафтари"га киритилган муаммоли ёшларга ижтимоий, иқтисодий ва психологик ёрдам кўрсатиш;

ёшларни турли йўналишлар бўйича бандлигини таъминлаш юзасидан аниқ таҳдидлар асосида ҳисоб ки-

тоб қилиш; аҳоли муносабатларини кўриб чиқиш;

камбағалликни қисқартириш борасида бажарилган ишлар, айниқса, ишсиз фуқароларни доимий ишга жойлаштириш, ўзини ўзи банд қилиш;

аҳоли томонидан кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича тасдиқланган "Йўл хариталари"нинг ижроси бўйича мунтазам муҳокама қилиб бориш ишларини амалга оширсин

4. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларига ўзлари сайланган округ ҳудудида яшовчи "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"га киритилган эҳтиёжманд оилалар аъзолари, ишсиз ёшлар боқувчисини йўқотган аёллар билан учрашувлар ўтказиб, уларни боқимондалик кайфиятидан чиқариш, касб-ҳунарга ўргатиш ва тадбиркорлик руҳиятини шакллантириш борасида тарғибот ташвиқот ишларини амалга оширсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилиш назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммаларига юклатилсин.

Сессия раиси: **Б.Аманов**

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

Туман ички ишлар бўлимининг 2023 йил давомида жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида

Бахмал тумани ИИБ ҳодимлари томонидан туман ҳудудида тезкор ва сиёсий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш ҳамда содир этилганларини фож этиш борасида бир қатор ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди.

2023 йилнинг 12 ойи давомида: Умумий жиноятлар 26,2 фоизга (118-149), ЖҚ ҳисобидagi жиноятлар 20,69 фоизга (58-70) ошган.

Бундан ташқари, туман ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилди, жамоат тартибини сақлаш борасида маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари масъулияти оширилди.

Ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, жиноятчиликни жийловлаш ҳамда "Халқни рози қилиш" борасида бир қатор янги амалиётлар жорий этилди.

2023 йилнинг 11 апрель кунги Президентимиз расмийлигида ёшлар билан ишашнинг янги тизимини жорий этиш борасидаги долзарб вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселекторда берилган топшириқларга мувофиқ 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ўрганилиб "қизил" тоифага киритилган 43 нафар ёшлар ички ишлар органлари раҳбарларига бириктирилди.

Тиббиёт муассасаларида ҳисобда турган спиртли ичимликка ружу қўйган 243 нафар шахсларнинг 142 нафари даволашнига юборилди.

Солиқ инспекцияси масъул ҳодимлари билан ҳамкорликда ноқонуний алкоголь маҳсулотини савдоси билан шуғулланувчи 25 нафар тадбиркорликларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Шунингдек, инспектор-пси-

хологлар томонидан туманда мавжуд 87 та умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг даволатини яхшилаш, улар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, вояга етмаган шахслар оғида ҳуқуқни нигилизмга барҳам бериш мақсадида 445 мартаба "Давомат" ва "Тиг" ҳамда 72 мартаба "Рейд" махсус-профилактик тадбирлари олиб борилди.

Ўтказилган "Давомат" тадбирлари давомида дарс машғулотларига сабабсиз иштирок этмаган 381 нафар ўқувчилар аниқланиб, уларнинг ота-оналарига нисбатан тегишли таъсир чоралари қўлланилди ҳамда уларнинг барчаси дарс машғулотларига қайтарилди.

Жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этган ва тазалиш йўлига кирмаган 1 нафар вояга етмаганлар махсус таълим муассасаларига юборилди.

Бундан ташқари, 114 нафар таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар аниқланиб, уларга ҳимоя ордерлари берилди.

Берилган ҳимоя ордерлари натижасида 55 та оилалар яраштилди, 69 та оилаларнинг низо-си бартараф этилди.

Берилган ҳимоя ордери талабларига риоя қилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 2061-моддасига асосан 6 нафар шахсларга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди ҳамда тўланган ҳужжатлар судларга тақдим қилиниб, суд томонидан ҳуқуқбузарларнинг 3 нафарига жараима жазоси, 3 нафарига маъмурий қамов жазоси тайинланди.

Шунингдек, ўрганишлар давомида аҳолини қийнаб келаётган 73 та муаммолар аниқланиб, шундан 66 таси тегишли мутахассис ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12

июлдаги "2022 - 2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган "хавфсиз ва раво йўл" умумийлиги дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-316-сон қарори талаблари асосида тумандаги марказий кўчалар, умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларига жами 67 доня янги йўл белгилари ўрнатилди, яроқсиз ҳолга келиб қолган 152 доня йўл белгилари янгисига алмаштирилди.

Тумандаги 85 та мактабдан 44 та мактаблар олдига тезликни чекловчи 44 доня йўл белгилари ўрнатилди.

Шу билан бир қаторда ўтган йилнинг 12 ойида 6 та маҳалла-лар қизил тоифага киритилган бўлса, жорий йилнинг мисол даврига келиб, 4 маҳалла-лар қизил тоифага киритилиб, маҳалла-лар сони 2 тага камайишига эришилди.

Бугунги кунда ҳудудларда ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирлар давом эттирилди.

Туман ҳудудида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳолати тўғрисидаги Туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосарининг ахборотини эшитиб, билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларни инобатга олиб, юқорида баён этилганларга асосан ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-ва 24-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Бахмал тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари подполковник Юлдашев Ўткир Ўкта-

мовичнинг туман ҳудудида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман Ички ишлар бўлими (А.Жалолов) маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда:

- жиноятлар сони ўсишига йўл қўйилган маҳалла фуқаролари йиғинларида йилнинг ҳудудида бириктирилган профилактика инспекторлари фаолиятига танқидий баҳо бериш ҳамда уларнинг масъулиятини кескин ошириш чора-тадбирларини кўриш;

- туман ҳудудидаги барча маҳалла фуқаролари йиғинларида жамоатчилик билан биргаликда тумандаги, айниқса жиноятчиликнинг ортиши кузатилган маҳалла-ларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш ҳамда натижалари юзасидан халқ депутатлари туман Кенгашига ҳар чоракда ахборот кiritиб бориш;

- муқаддам судланган, спиртли ичимликларни истеъмол қилишга ружу қўйган, гиёҳвандликка чалинган ҳамда профилактика ҳисобида турувчи жиноятлари содир этишига мойил шахслар контингентини ажратиб олиш, улар билан тизимли учрашувлар ва яққа тартибдаги профилактик тадбирлар ўтказиш, уларнинг ишсизларини тегишли ташкилот ва муассасалар билан биргаликда бандлигини таъминлаш юзасидан чоралар кўриш;

- вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида маҳалла-ларда кенг жамоатчилик ҳамда ота-оналар иштирокида профилактика тадбирларини янада

жадаллаштириш, уларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ериштирилиши таъминлаш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш мақсадида ҳар бир содир бўлган жиноят бўйича кейинги куннинг ўзида маҳалла фуқаролари йиғинларида уларнинг фаол вакиллари ва шу ҳудудда яшовчи аҳоли ўртасида содир этилган жиноятнинг тафсилотлари ҳамда жиноятнинг содир этилиши имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик юзасидан муҳокама этиб, кенг жамоатчиликка етказиш;

- ўқув муассасаларида Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда суҳбатлар уюштирган ҳолда ишларни ташкил этиш;

- туманда йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича ишларни талаб даражасида ташкил этиш вазифалари топширилсин.

3. Туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими (К.Гулбоев), Ёшлар ишлари агентлиги туман Кенгаши (О.Саримсоқов);

- фарзандларининг келажагига эътиборсиз бўлиб келаётган ота-оналари фуқароларини ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла фаоллари билан муҳокама қилинишини таъминласинлар;

- касб-ҳунар мактаблари таътил кунлари ўқувчиларни ўқитишга бўлган қизиқишларини ошириш юзасидан қўшимча ўқув дарслари ҳамда спорт тўғрисидаги ташкил этилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиясига юклансин.

Сессия раиси: **Б.Аманов**

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

Бахмал туман прокуратурасининг 2023 йил 12 ойида туман ҳокимлиги, туман ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳамда уни ижро этиш, амалга ошириладиган ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати-нинг қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида фаолияти тўғрисида

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сектор раҳбари томонидан 2023 йил давомида Президент Халқ қабулхонаси туман бўлими билан келишилган жадваллар асосида жами 68 марта сайёр қабуллар ташкил этилди. Сайёр қабулларда 350 та фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг 288 таси ижобий ҳал этилди, 31 тасига тушунтириш берилди ва 31 таси ўрганиш жараёнида.

Ҳудди шундай ёшлар билан учрашув жами 49 марта ўтказилиб, 126 та ёшлардан келиб тушган мурожаатларнинг 123 таси ижобий ҳал этилди, 3 таси ўрганиш жараёнида.

Туман прокурори раҳбарлигидаги 2-сектор ҳудудидаги қарашли маҳаллаларда 18 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида сўровномалар ўтказилиб, уларнинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, 238 нафари "Ёшлар дафтари"га киритилган.

"Ёшлар дафтари"га киритилган 238 нафар ёшлардан 224 нафарига 250 млн. сўмлик маблағлар ажратилиб, жами ёшларнинг 94.1 фоизига ёрдамлар кўрсатилади.

Шундан, 71 нафарига 112.6 млн. сўмлик контракт пуллари, 34 нафар ёшларга 37.4 млн. сўмлик моддий ёрдам пуллари, 4 нафар ёшга 25 млн. 900 минг сўмлик СЧР тўлови ва қолган ёшларга бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилади.

Мисол учун, Бахмал тумани, Нушкент МФЙда яшовчи 2003 йилда туғилган Абдурахмонов Шахриёрга контракт тўлови учун 3 млн сўм тўлаб берилди.

Шунингдек, 2-секторда "Темир дафтар"га киритилган 424 нафар кам таъминланган оилалардан 421 таси чиқарилиб, 3 нафар оилага ёрдам кўрсатиш чоралари кўриломоқда.

Шундан, Қутлубод МФЙда яшовчи фуқаро Шодмонова Гулраннинг хонадонига 3 кв. лик қуёш панели ўрнатилиб, фуқарога узуксиз электр таъминоти билан таъминланди.

2-сектор ишчи гуруҳи томонидан уйма-уй юриш жараёнида 30 ёшдан ошган ишсиз аёлларни аниқлаш борасида тўдирилган "Анкета сўровнома"лари асосида "Аёллар дафтари"нинг электрон базаси яратилган. Ижтимоий ҳимояга муҳ-

тож жами 940 нафар ишсиз аёллар аниқланиб, "Аёллар дафтари"нинг электрон базасига киритилди.

Мазкур берилган топшириққа асосан, "Аёллар дафтари"ни мувофиқлаштириш учун туман маҳалла ва оила-ни қўллаб-қувватлаш бўлими биносида туман штаби ташкил этилган.

Шунингдек, туман штаби ва фуқаролар йиғинларида ташкил этилган ишчи гуруҳ манзили рўйхатни шакллантириш ҳолда қуйидаги тоифалардаги хотин-қизлар "Аёллар дафтари"га киритилган.

Бундан ташқари, "Аёллар дафтари" рўйхати қайтадан шакллантирилганида, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар 324 тани, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд аёллар 216 тани, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аёллар 212 тани, қарамогиди бир ногиронлиги бўлган болалари мавжуд ёлғиз аёллар 98 тани, тиббий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд аёллар 27 тани, ҳуқуқий ёрдамга муҳтож аёллар 36 тани, уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлганлар 13 нафарини ва психологик масалага муҳтож аёллар 66 нафар, уй-жой билан таъминланган хотин-қизлар 3 нафарини ташкил этганлиги аниқланди ва мазкур белгиланган тоифалар бўйича дафтарга киритиш ҳамда дафтарга киритилган аёлларга кўмак бериш бўйича "Йўл харитаси" тузилиб, кўриб чиқишлик учун Халқ депутатлари Бахмал туман кенгашига киритилиши таъминланган.

Шундан, 96 нафарига психологик ёрдам, 77 нафарига ҳуқуқий ёрдам,

134 нафарига тиббий ёрдам, 77 нафарига имтиёз кредит, 27 нафарига уй-жойини таъмирлаш учун 38 млн. сўм, 324 нафари ишга жойлаштирилди, 205 нафари томорқасига ўзини-ўз банд қилинди ва 59 нафари касб хунарга ўқитилиб, аёллар дафтарига киритилган 936 нафар хотин-қизларнинг (99.6 фоиз) муаммолари хал қилинди.

Туман 2-сектор ҳудудида "Халқни рози қилиш" ва "Инсон қадрини юксалтириш" устивор тамойиллари бўйича аҳоли қизиқишлари ва муаммоларининг аниқ ечимни юзасидан бирик-тирилган ҳар бир маҳаллада сектор ишчи гуруҳи бевосита ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етказчилари ва хотин-қизлар фаоллари билан ҳамкорликда уйма-уй юриш орқали кунлик ишлар "Маҳаллабай" ва "Фуқаробай" тизим асосида ташкил этилмоқда.

Аҳоли бандлигини таъмин-

лаш борасида 2023 йил давомида 2-сектор ҳудудида жами 1110 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланди, шундан 300 нафари доимий, 810 нафар фуқароларга бўш иш ўринлари билан танишиш, касбга қайта тайёрлаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ҳамда ўзини-ўзи банд қилган.

Туман прокурори, 2-сектор раҳбари ташаббуси билан 2023 йил давомида аҳолини бандлигини таъминлаш борасида 3 та ишсизлар ярмаркаси ташкил этилиб, уларда иштирок этган ишсиз 86 нафар фуқаролардан 8 нафари иш билан таъминланиб, қолган 87 нафар ишсиз фуқароларга касбга ўқитиш марказига йўлланмалар бериш таклиф қилинди.

2023 йилнинг 3 январь ҳолатига тумандаги корхона, ташкилот ва муассасаларда 35 та бўш иш ўринлари мавжуд бўлиб, туманда истикомат қилаётган ишсиз фуқаролар ишга жойлаштиришга қўмаклашиб келинмоқда.

2023 йил давомида 2-секторда жами 182 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Шундан, 93 та юридик ва 89 та якка тартибдаги тадбиркорлар янги ташкил этилди ва 175 та якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.09.2022 йилдаги "Деҳқон ҳўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-373-сонли қарорига асосан 230.3 га ер майдони 252 нафар фуқароларга деҳқон ҳўжалиги сифатида берилди.

Шунингдек, "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш" дастури доирасида 2023 йил 4-чораги давомида 106 нафар фуқарога 1 млрд. 832 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Хусусан, Бахмал ҚФЙда яшовчи Данабаев Жалолидин деҳқон ҳўжалигига зарур бўлган мотокультиватор олишда ёрдам сўраб мурожаат қилган. Мурожаат юзасидан ҳоким ёрдамчиси томонидан тўлиқ ва ҳолисона ўрганиб, тавсиянома берилди ва фуқарога таъминотчи томонидан мотокультиватор билан таъминланди.

Йўл қурилиши соҳасида Бахмал тумани, Темирқadam МФЙда 4 км, ички йўллар шағаллаштирилиб, аҳолига қулайликлар яратилди.

Газ таъминоти соҳасида Бахмал тумани, 2-сектор ҳудудида яшовчи жами 759 та аҳоли табиий ва 4954 та аҳоли хонадонлари суволирил-

ган газ билан таъминланиб келинмоқда. 2023 йил 4-чорагида 2-сектор ҳудудида яшовчи фуқароларга 11 доня янги маиший газ балон билан таъминланди.

Сув таъминоти соҳасида Бахмал тумани, 2-сектор ҳудуди, Темирқadam МФЙда 1 та тик артезан қудуғи қурилиб, 0.8 км. сув тармоғи тортиш ишлари олиб борилмоқда ҳамда Музбўлоқ МФЙда 1.5 км ва Бахмал ҚФЙда 1 км ичимлик суви тармоғи ўтказилди.

Электр таъминоти соҳасида Бахмал тумани, 2-сектор ҳудудида Музбўлоқ МФЙ, Нушкент МФЙ, Ўрмончи МФЙда жами 3 доня янги трансформатор ўрнатилди.

Бахмал ҚФЙда 1.8 км, Ўрмончи МФЙда 1.6 км, Нушкент МФЙда 1.9 км ҳамда Қутлубод МФЙда 0.9 км ҳаво тармоғи янгиланди ва 121 доня темир-бетон устунлар ўрнатилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида 2023 йил Бахмал тумани, 2-сектор ҳудудида яшовчи 39404 нафар аҳолидан 39106 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Сурункали касаллиги бор фуқароларнинг 14 нафари Республика миқёсида, 96 нафари вилоят миқёсида имтиёзли ордер билан таъминланиб, Вилоят кўп тармокли тиббиёт марказида даволаш чоралари кўрилди.

Туман прокуратураси органларининг ҳудудда қонунийликни мустақкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида келгусидаги вазифалари ҳамда йўл қўйилган қамчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Туман прокуратурасининг туман ҳокимлиги, туман ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳамда уни ижро этиш, амалга ошириладиган ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида фаолияти тўғрисида туман прокурорининг ахборотини эшитиб, билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олиб, Юқориди баён этилганларга асосан ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-

ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Бахмал тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бахмал туман прокурори Ш.Абраевнинг 2023 йил 12 ойида туман ҳокимлиги, туман ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳамда уни ижро этиш, амалга ошириладиган ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Ҳукуматининг қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги ташкилотларга тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодийни ривожлантириш ва корхоналарни соғломлаштириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш соҳаларидаги қонунлар ижросини таъминлашда зиммаларига юкатиладиган вазифаларни бажариш юзасидан зарурий чораларни кўрсинлар.

3.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Шарипов), туман ҳокимининг ўринбосарлари (Х.Ҳўжамуротов), (Х.Боймуродова)ларга:

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлар параметрлари ва лойиҳаларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ҳар бир оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш билан банд қилиш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, деҳқон ҳўжаликлари учун ер майдонлари бериш, қасаначилик ва бошқа мавсумий ишларга жалб қилиш орқали оилавий муҳитни яхшилаш чораларини амалга ошириш;

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгаши Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиясига юкатилинсин.

Сессия
раиси:

Б.Аманов

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6118 сон Фармонининг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Бахмал тумани бўлими томонидан 2023 йилнинг 2-ярмида амалга оширилган ишлари юзасидан ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6118-сонли Фармони талаблари ижроси юзасидан 2023 йилнинг 12 ойи давомида бюронинг туман бўлими томонидан бир қанча тегишли ишлар олиб борилди.

Бюронинг Бахмал туман бўлими томонидан 2023 йилда жиноят натижасида давлатга етказилган зарар, давлат божлари, жиноий ва маъмурий жарималар, давлат фойдасига бошқа турдаги ундирувлар ҳамда давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни сотишга оид ижро ҳужжатлари бўйича 37 млрд. 651 млн. сўм (режага нисбатан 86 фоиз) маблағлар ундирилиб, ундирилган маблағларнинг 50 фоизи, яъни 2 млрд. 677 млн. сўм 211 % маблағлар ундирилиб "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларни қўллаб қувватлаш учун махсус ҳисоб рақамларга йўналтирилди. Шунингдек, ўтган даврда Бюронинг Бахмал туман бўлими иш юритувидаги жами 15.448 та 169 млрд. 769 млн сўмлик ижро ҳужжатларидан 137 млрд. 468 сўмлик 10,666 таси ёки 81 фоизи тамомланди. Шундан 7.132 та ижро ҳужжатлари бўйича 61 млрд. 189 сўмлик амалда ундирилиши таъминланди.

Маъмурий жарималарни ундируви билан боғлиқ 3 251 та 3 млрд. 334 млн. сўмлик ижро ҳужжатларидан 1 млрд. 697 млн. сўмлик 2.021 таси тамомланган, шундан 1769 та 1 млрд. 065 млн. сўми ёки 63 фоизи амалда

ундирилиши таъминланган.

Давлат божи ундирувлари бўйича 1708 та 9 млрд. 782 млн. сўмлик ижро ҳужжатларидан 6 млрд. 543 млн. сўмлик 1.311 таси тамомланган бўлса, шундан 673 та 2 млрд. 017 млн. сўмлик ёки 31 фоизи амалда ундирилган.

Банклар фойдасига ундирувлар бўйича жами 2.193 та 52 млрд.

854 млн. сўмлик ижро ҳужжатларидан 45 млрд. 649 млн. сўмлик 1763 таси тамомланган бўлса, шундан 1267 та 30 млрд. 582 млн. сўмлик қарздорлик амалда ундирилган.

Жиноий жаримани ундириш билан боғлиқ ҳужжатлар бўйича қонунда белгиланган барча ваколатлардан фойдаланган ҳолда 15 та 420 млн. сўмлик ижро ҳужжатларидан 12 та 354 млн. сўмлик (84 %) шундан 7 та 237 млн сўмлик амалда ижроси таъминланди.

Бюро Бахмал туман бўлимида яна бир муҳим масалалардан бири бўлган алимент ундируви билан боғлиқ 1294 та ижро ҳужжатларидан

323 таси тамомланган, 452 та ижро ҳужжати бўйича ундирув қарздорларнинг ойлик иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган даромадларига қаратилган.

Бундан ташқари, ушбу йўналишдаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздор ва ундирувчилар билан боғлиқ барча маълумотларни "МИБ-портал" электрон дастурига ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли киритилиши устидан назорат йўлга қўйилган.

Алиментни ҳисоблаш ва тўлаш устидан автоматлашган назорат тизимини жорий қилиш учун "МИБ-Портал" дастурига тарафларнинг

паспорт серия ва рақамларини Давлат персоналлаштириш маркази маълумотлари асосида шакллантирилмоқда.

Шу билан бирга, алимент ижро ҳужжати туман бўлими иш юритувида келиб тушган пайтдан бошлаб барча мавжуд маълумотларни (тўлов квитанция, далолатнома, қарздорликни ҳисоблаш тўғрисидаги қарор ва бошқа) тўлиқ ва ҳаққоний киритилиши таъминланиб келинмоқда.

Алимент ундируви билан боғлиқ ижро ҳужжатлари доимий назоратга олинган бўлиб, қолдиқдаги 971 та ижро ҳужжатлари бўйича 971 нафар қарздорларнинг республика ҳудудидан чиқиш ҳуқуқлари чекланган.

Халқ депутатлари туман Кенгашига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Бахмал тумани бўлими томонидан 2023 йилда 2-ярмида амалга оширилган ишлар тўғрисида 2024 йил 12 январдаги 7/13-885 сонли ахборотини муҳофаза қилиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6- ва 24-моддаларига асосан, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6118 сон Фармонининг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Бахмал тумани бўлими бошлигининг Ў.Шариповнинг

ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мажбурий ижро бюроси туман бўлими (Ў.Шарипов)га:

-Ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш жараёнида юзага келаётган муаммоларнинг сабаб ва шарт-шароитларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни бартараф этиш ва келгусида олдини олишни таъминлаш, Бюро органлари, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора тадбирларни белгилаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

- Суд ҳужжатларида белгиланган ижро ҳужжатларини ўз вақтида ижросини таъминлаш;

- ижро ҳужжатлари бўйича алимент мажбуриятларини бажариш қарздорлар томонидан алимент мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

- Ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамкорлиги, тегишли давлат органлари томонидан мажбурий ижро органларига тақдим қилинаётган ижро ҳужжатларининг миқдори ва сифати билан боғлиқ масалаларни муҳофаза қилиш тасвия этилсин.

3.Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Сессия
раиси:

Б.Аманов

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Бахмал тумани Кенгашининг ҳамда доимий комиссияларининг 2024 йилга мўлжалланган иш режаларини тасдиқлаш тўғрисида

Халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссияларининг таклифларига асосан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Бахмал тумани Кенгашининг 2024 йилга мўлжалланган иш режаси 1-иловага ҳамда доимий комиссияларининг 2024 йилга мўлжалланган иш режалари тегишлилиги бўйича иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Халқ депутатлари Бахмал тумани Кенгашининг ҳамда доимий комиссияларининг 2024 йилга мўлжалланган иш режалари туман ҳоким-



лигининг тегишли ташкилот, корхона ва муассасаларига хизматда

фойдаланиш учун юборилсин ҳамда туман ҳокимининг ўринбосарла-

ри, гуруҳ раҳбарлари, мутасадди туман бўлими ва ташкилотлари раҳбар-

лари иш режада белгиланган масалалар бўйича тақдим қилинадиган ахборот ва ҳисоботларни режада белгиланган ойнинг 10-санасига қадар халқ депутатлари туман Кенгаши котибиятига тақдим қилиб борсин.

3.Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти мудири (Б.Аманов) ҳамда доимий комиссиялари раисларига иш режада белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ва ижросини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти мудири Б.Аманов ва доимий комиссиялар раислари зиммасига юклатилсин.

Сессия
раиси:

Б.Аманов

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

Туман адлия бўлими ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишларининг ахволи, қонун ҳужжатларини тарқатиш ҳамда ижрочиларга etkaziш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш ишлари бўйича 2023 йил мобайнидаги фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида

2018 йилнинг 13 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5415-сонли Фармонида асосан, Бахмал туман адлия бўлими томонидан

2023 йил давомида амалга оширган ишлари бўйича таҳлилий натижаси юзасидан.

Норма ижодкорлиги соҳасида бўлим томонидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича 10 та таслифлар берилган, Халқ депутатлари туман кенгашининг 16 та қарорлари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, адлия бўлими ижобий ҳулосалари асосида қабул қилинган 8 та қарорлар туман ҳокимлиги расмий веб сайтига жойлаштирилиши, 8 та қарорлар белгиланган талабларга риоя қилинмай тақдим қилинганлиги сабабли қайтариллиши таъминланди.

Бўлим томонидан туман давлат ташкилотлари фаолияти ўрганилиши натижасида жами 2182 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, шундан 462 таси таълим соҳасига оид, 348 таси соғлиқни сақлаш соҳаси, 7 таси уй-жой масаласида, 76 таси таси меҳнат қонунчилиги, 5 таси коммунал тўловларга оид, 9 таси банк соҳасида, 20 таси имтиёзлар ва преференсияларни қўллаш бўйича ер ажратишга оид, 3 таси коммуникация тармоғига уланлиш, 58 таси юридик хизмат соҳасида, 5 таси пенсия ва нафақа соҳасида, 1132 таси бошқа қонунбузилишларни ташкил этди.

Бўлим томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишлиши ҳолати бўйича:

Бўлим томонидан келиб тушган мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунига кўра тўғридан-тўғри ва очик мулоқот йўлга қўйилган, мунтазам равишда шахсий, шу жумладан сайёр қабуллар ўтказилмоқда мурожаатлар жойида ўрганилмоқда ва тегишли сектор раҳбарлари ҳамда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб хал қилинмоқда, мавжуд ҳолатни инобатга олган ҳолда электрон тарзда мурожаатлар билан ишлашни такомиллаштириш чоралари кўрилатмоқда.

Бўлимга 2023 йил давомида жами 412 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, мазкур мурожаатларнинг 260 тасини шикоят ҳамда 152 тасини аризалар ташкил этади.

Мазкур мурожаатларнинг 242 таси қаноатлантирилган, 155 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган, 15 таси тегишлилиги бўйича кўриб чиқишлиши учун юборилган, 32 таси жойига чиқиб ўрганилган, 23 тасига мутахассис жалб этилган, шикоятларнинг 62 таси бўйича тақдимномаalar киритилган, 33 таси бўйича даъво аризалар тегишли судларга киритилган, жумладан киритилган тақдимнома ва даъво аризалар натижасида 2275400,1 млн сўм пул маблағлари ундирилиши таъминланган, шикоятларнинг 17 та шикоят бўйича мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка торилган.

Бўлим томонидан ҳуқуқий тарғибот йўналиши ҳолати бўйича:

Бўлим томонидан тарғибот соҳасида жами 3077 та тарғибот тадбирлари амалга оширилган бўлиб, жами ОАВда 1731 та, шундан 58 та телевидения, 60 та радио, газета 46 та, 1567 та веб сайтида, 1307 та оғзаки тарғибот, 471 та манзили тарғибот, 39 та кўргазмалар тарғибот, адади 334 та буклет флаер ва бошқаларни тарғиб қилиш ишлари амалга оширилган.

Бундан ташқари, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, шу жумладан, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар аҳоли ва ижрочиларга ўз вақтида etkaziш, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишлари олиб боришда, қонун ҳужжатлари матнларидан монеликсиз фойдаланиш ҳамда қонунларнинг бир ҳида қўлланилиши устидан қатъий доимий назорат қилиниши ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишларини амалга ошириш, қонун ҳужжатларини тарқатиш ҳамда ижрочиларга etkaziш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш ишлари бўйича туман адлия бўлими фаолияти юзасидан бўлим бошлиғи Н.Қодировнинг 2024 йил 10 январдаги 1-12/11-1-3/8 сонли ахборотини эшитиб ҳамда Юқорида баён этилганларга асосан ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Бахмал тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман Адлия бўлими бошлиғи Н.Қодировнинг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишларини амалга ошириш, қонун ҳужжатларини тарқатиш ҳамда ижрочиларга etkaziш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш ишлари бўйича 2023 йил мобайнидаги фаолияти юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бахмал тумани адлия бўлими (Н.Қодиров)га:

- тумандаги бошқарма ва ташкилотлари томонидан соҳалар бўйича янги қабул

қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари ёки матбуот анжуманлари орқали тушунтириб бориш амалиёти йўлга қўйилганлиги ҳолатини ўрганиш;

Туман адлия бўлими ҳуқуқни қўллаш амалиётининг изчиллиги ва бир хиллигини таъминлаш устидан тизимли назоратни давом эттириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш сифатини ошириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга усубий раҳбарлик қилиш ишларини амалга ошириб бориш, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси мониторингини ва таҳлилий олиб бориш тавсия этилсин.

3.Тумандаги барча давлат органлари ва корхона ташкилотлар, тегишлича фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари билан юклатилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан ташкилий тадбирларни амалга ошириш ва ўз тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш жараёнида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан амалий ишларни ташкил этсин.

4.Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси:

Б.Аманов

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ҳамда Халқ қабулхоналарига 2023 йил давомида келиб тушган мурожаатлар натижаси ҳамда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастури ижроси ва "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" доирасида туманда амалга оширилган ишлар ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 5633-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида туман Халқ қабулхонаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали йил давомида туманда яшовчи фуқаролардан жами 5825 та мурожаат назоратга олинган. Шундан тумандаги ташкилот ва корхоналар томонидан кўриб чиқилган 2764 та мурожаатлар секторлар кесимида таҳлил қилинганда 1-сектор туман ҳокимияти ҳудуди бўйича 758 та мурожаатдан 492 таси 64,9%, 2-сектор туман прокурори ҳудуди бўйича 617 тадан 331 та 53,6%, 3-сектор туман ИИБ бошлиғи ҳудудидан 816 тадан 527 та 64,6%, 4-сектор туман ДСИ бошлиғи ҳудудидан 573 тадан 375 та 65,4% мурожаатлар ижобий ҳал этилган.

мурожаатларнинг келиб тушиши тумандаги ташкилот ва муассасалар кесимида ўрганилганда жами мурожаатлар сони ўтган йилга нисбатан қуйидаги ташкилотларда туман электр тармоқлари корхонасида 352

тадан 374 тага, мажбурий ижро бюросида 170 тадан 204 тага, туман солиқ инспекциясида 39 тадан 104 тага, туман Кадастр агентлигида 20 тадан 109 тага, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимида 38 тадан, 221 тага, туман Оила ва хотин-қизлар бўлимида 163 тадан 204 тага орگانлиги аниқланди. Бунга сабаб, юқорида қайд этилган ташкилотларда ишонч телефони орқали ёки шахсий ҳамда оммавий сайёр қабулларда фуқароларнинг масалаларини қабул қилиш ва назоратга олиш етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги натижасида виртуал ва Халқ қабулхоналарига мурожаат қилишларига сабаб бўлмоқда.

Туман Халқ қабулхонаси томонидан 2023 йил давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида қонунбузилишларга йўл қўймаслик ёки уларни бартараф этиш юзасидан туман ва вилоят ташкилотларига 11 та тақдимнома, 7 та тақлиф, 17 та ахборот ҳамда 21 та кўрсатма киритилган. Таҳлиллар натижасида йил бошидан қонуннинг 25,27,28-моддалари талаблари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ҳамда Халқ қабулхонасига 2023 йил давомида келиб тушган мурожаатлар натижаси ҳамда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастури ижроси ва "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" доирасида туманда амалга оширилган ишлар ҳақидаги 2024 йил 8 январдаги 1-

1-24-сонли ахборотини ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг Суд-ҳуқу ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиясининг 2024 йил 12 январдаги 3-02F2 сонли қарорини муҳокамасини эшитиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 24-моддасига асосан, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ҳамда Халқ қабулхонасига 2023 йил давомида келиб тушган мурожаатлар натижаси ҳамда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастури ижроси ва "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" доирасида туманда амалга оширилган ишлар ҳақида туман Халқ қабулхонаси мудирининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги масъул раҳбарлар ва барча ташкилот раҳбарларига:

иш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш; фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларига ўз вақтида жавоб бериш секторда белгиланган вазифалар ва тадбирларни жойларда масъуллар билан биргаликда ўз вақтида ва сифатли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

"Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"га

киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан доимий иш ташкил этиш;

Секторга масъул идоралар томонидан ҳудудни комплекс ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш, "Маҳаллабай", "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" билан ишлаш орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг муаммоларини ҳал этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишларни комплекс ташкил этиш; ҳамда мурожаатларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, мазкур ҳолатларни олдини олиш чораларини кўриш;

давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан тақдирий мурожаатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилинсин; ҳоким ёрдамчилари, маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари, ёшлар агентлигининг маҳалладаги ёшлар етакчилари фаолияти натижадорлигини ошириш мақсадида маҳалла раиси бошчилигида уйма-уй юриш ва аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш орқали фуқароларнинг мурожаатларини маҳалланинг ўзида кўриб чиқиш;

Сектор томонидан мунтазам равишда фуқаролар қабулларини ўтказиб бориш ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманидаги Халқ қабулхонаси билан яқиндан ҳамкорликда иш ташкил этиш вазифаси топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси

Президентининг тумандаги Халқ қабулхонаси мудири (Ф.Мухторов), туман ҳокимиянинг ўринбосарлари (Н.Шарипов, Х.Хўжамуротов, Ж.Турдалиев, Ў.Каттабеков), туман ҳокимияти ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари (А.Эгамбердиев), туман Камбағалликни қисқартриш ва бандлик бўлими (З.Қўлиев)лар:

- туман ҳокимиянинг сайёр қабуллари давомида фуқаролар томонидан тушуётган ҳар бир мурожаатнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб бориш, бунда ечимни маҳалланинг ўзида ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларни маҳалла фуқаролар йиғинининг масъул ходимлари қабулга келтириш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўрсинлар.

4. "Бахмал ҳаёти" газетаси тахририяти (Т.Бердиев)ларга:

- секторлар томонидан амалга оширилаётган ишларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш;

- жойларга чиқиб, амалга оширилаётган ишларни кенг аҳоли қатламга etkaziш мақсадида телевидения ва ижтимоий тармоқлар орқали доимий тарғибот ишларини амалга ошириш тавсия этилсин.

5.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгаши Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиясига юклатилсин.

Сессия

раиси:

Б.Аманов

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг натижадорлиги тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида"ги ПФ-29-сон Фармони унга мувофиқ "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-31-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллалар кесимида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчилари иш жараёни ва ҳудудлардан келиб тушадиган мурожаатлар таҳлил қилинди.

Келиб тушган 5825 та мурожаатлардан 214 таси тадбиркорликни ривожлантириш, 193 таси аҳоли бандлигини таъминлаш, 336 таси камбағалликни қисқартириш масалалари билан боғлиқ мурожаатларни ташкил этади бу масалалар маҳаллалар кесимида таҳлил қилинганида қуйидаги фуқаролар йиғинларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бахмал туманидаги Халқ қабулхонаси мураббийнинг 2024 йил 8 январдаги 1-1/1-24 сонли ахбороти муҳокамасини эшитиб, "Маҳал-

лий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни-нинг 6-ва 24-моддасига асосан, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бахмал туманидаги Халқ қабулхонаси мураббийи Ф.Мухторовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ-31-сон қарори ижроси ҳамда маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича келиб тушган мурожаатлари юзасидан ахбороти асосида секторлар ва давлат идоралари раҳбарларининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимиятининг биринчи ўринбосари, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўлими (З.Кулиев)лар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бахмал туман Халқ қабулхонаси мураббийи Ф.Мухторовнинг ахборотида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

3. Туман ҳокимиятининг биринчи ўринбосари (Н.Шарипов) ҳамда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўлими (З.Кулиев)ларга:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бахмал туман Халқ қабулхонаси ахборотида кўрсатилган камчиликларни учун Қутлубод МФЙ, Гулбулоқ ҚФЙ, Маданият МФЙ, Нуробод МФЙ, Дўстлик МФЙ, Бахмал ҚФЙ, Новқа, Оқтош, Янгибоб, Навбахор МФЙ, Мўғол

ҚФЙ, Моргузар МФЙ, Фидокор МФЙ, Тонготар ҚФЙ, Нурафшон, Музбулоқ МФЙларда мурожаатлар сони кўпайганлиги кўрсатиб ўтилсин ҳамда ҳоким ёрдамчиларининг фаолиятини кўриб чиқиб, қонунда белгиланган тартибда чора кўриш вазифаси юклатилсин.

4. Тумандаги 34 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиларига:

- тумандаги маҳаллалар аҳолиси-дан виртуал ва халқ қабулхоналарига тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва бошқа масалаларда келиб тушган мурожаатларни келиб чиқишига сабаб бўладиган шарт-шароитларни бартараф қилиш учун тегишли ташкилот, корхона ва муассасалар, секторлар раҳбарлари ва депутатлар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият бериш;

- ҳар бир ҳоким ёрдамчиси юридик ва жисмоний шахслардан тушадиган мурожаатларни пухта ўрганиб чиқиб, таҳлил қилиб жойида ҳал қилиш чораларини кўриш;

- ажратилган ресурслардан мақсадли фойдаланиш юзасидан доимий мониторингнинг амалга ошириш; -амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан туман ҳокимиятининг молия иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан биргаликда доимий равишда халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот бериб бориш вазифалари юклатилсин.

5.Туман сектор раҳбарлари, туман ҳокимиятининг ўринбосарлари, ташкилот, корхона, муассасалар раҳбарлари ҳамда туман Кенгаши депутатлари:

- ҳар куни камида ўн та хонадонга

шахсан ташриф буюриб, мавжуд ҳолатни ҳоким ёрдамчилари билан бирга ўрганиш, аҳолига амалга оширилаётган давлат сиёсати ва ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, аниқланган муаммоларни жойида ҳал қилиш чораларини кўриш;

-аҳолини, биринчи навбатда ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш вазифаларини тошпирилсин.

6. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларига ҳар ойда, Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар режаси амалга оширилиши самарадорлиги устидан таъсирчан депутатлик назоратини ўрнатиш ва бажарилиши кечиктирилаётган масалалар бўйича мутасадди ташкилот раҳбарларининг эшитиш вазифаси тошпирилсин.

7. "Бахмал ҳаёти" газетаси таҳририяти (Т.Бердиев)ларга:

- Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш тавсия этилсин.

8.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиясига юклатилсин.

Сессия
раиси:

Б.Аманов

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар ҳисоботи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқаро-

ица қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги ПҚ-117-сонли

2023 йил 19-апрелдаги VI-57-63-3-44-К/23-сонли ҳамда 2023 йил 29 сентябрдаги VI-62-137-3-44-К/23-сонли қарорлари билан тасдиқланган "Бахмал туман бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида"ги қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6-ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгаши

63-3-44-К/23-сонли қарори ҳамда 2023 йил 29 сентябрдаги VI-62-137-3-44-К/23-сонли қарорларига асосан 2023 йил ўн икки ойликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар юзасидан туман ҳокими биринчи ўринбосари Н.Шариповнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин..

2. 2023 йил ўн икки ойликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар, яъни ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотлар ва унга иловалар тасдиқлансин.

3. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (И.Кенжаев) ҳамда туман фазначилик хизмати (Ж.Шодиёров)лар шартномаларга мувофиқ якуний маблағларга нисбатан бўшаб қолган (иқтисод қилинган) қисмини жамғармага белгиланган тартибда

қайта тиклаш вазифалари юклатилсин.

4. Туман ҳокимияти ахборот хизмати (А.Эгамбердиев) ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотларни келтирилган иловаларга мувофиқ шаклларида "Очиқ бюджет" ахборот портали ҳамда туманнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Бахмал туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (О.Бойжигитов), ижросини таъминлаш молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Н.Шарипов) зиммаларига юклатилсин..

Сессия
раиси:

Б.Аманов



ларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3917-сонли ҳамда 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш боъй-

қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги ҚҚ-213-ИВ-сонли қарори, шу бўйича халқ депутатлари Бахмал туман Кенгашининг

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Бахмал туман бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида"ги Халқ депутатлари Бахмал туман Кенгашининг 2023 йил 19 апрелдаги VI-57-

ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ЎРНИНГ БОШЛИГИ - ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БЎЛИМИ БОШЛИГИ Х. БОЙМУРОДОВАНИНГ 2023 ЙИЛ ДАВОМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ОИД ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИШЛАР ЮЗАСИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ҚИЛГАН МАЪРУЗАСИ БАЁНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сонли фармони ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги "Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-81-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни тизими қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-87-сонли фармонлари ижросини таъминлаш тўғрисида туман оила ва хотин-қизлар бўлимига бир қатор кечиктири бўлмайдиган вазифалар юкланган.

Бугунги кунда оилаларни ва хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида Юртбошимиз томонидан жуда катта имкониятлар, ислохотлар ва имтиёзлар берилмоқда.

Жамиятда қандай тоифада бўлишдан қатъий назар ҳеч бир оилалар эътибордан четда қолмаётгани ҳам яна бир қувватли ҳолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги "Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 145-сонли қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан туман секторлар раҳбарлари ҳамда ишчи гуруҳининг туманда "Аёллар дафтари"нинг 4-боқичини ташкил этиш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Ҳар бир шаҳар, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида 4 тадан ишчи гуруҳлари тузилди. Туманда 34 та маҳаллада 25567 та хонадон мавжуд бўлиб 176 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Тузилган ишчи гуруҳлар томонидан ҳар бир хонадонларга кириб-чиқиб 30 ёшдан юқори аёлларнинг ижтимоий ҳолати ўрганиб чиқилди.

30 ёшдан юқори ижтимоий муҳофазага муҳтож 4264 нафар аёллар базага киритилиб 6 та критерий бўйича ажратилди ва манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Жумладан, сектор раҳбарлари томонидан мутасадди идоралар вакиллари билан биргаликда бириктирилган ҳудуддаги ҳар бир фуқаролар йиғинларида "Аёллар дафтари"га киритилганлар билан бирма-бир мулоқот қилиш, уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, дарду-ташвишини, тақлиф ва қизиқишларини ҳам-

да маҳалладаги аниқ ҳолатни ўрганиш орқали манзилли чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш орқали ҳар куни хотин-қизлар муаммолари бўйича мутасадди раҳбарлар билан ишлаш тизимларини йўлга қўйилди.

"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг 350 нафари тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлиб, уларга 2023 йилнинг январь-октябрь ойлари 1 млрд. 305 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

1 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 4,5 млн сўмлик таълим контракт тўловлари "Аёллар дафтари" жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилди.

1231 нафар ишсиз хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

1053 нафар боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатилди.

1152 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож, хотин-қизлар учун маблағлар ажратиб берилди.

142 нафар хотин-қизларнинг турар-жойи таъмирланди.

439 нафар қарамовидга ногиронлиги бўлган фарзанди бор эҳтиёжманд хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Даволашнинг муҳтож бўлган 41 нафар хотин қизларга уч томонлама шартнома асосида пул маблағлари ўтказилиб берилди.

Шунингдек "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маънавий-материал тадбирларга жалб этилиди ва Бухоро ва Самарқанд, Хоразм вилоятлари-га саёҳатлар ташкиллаштирилиб бу тадбирларга жами 327 нафар хотин-қизлар жалб қилинди.

Сизлардан 2023 йил "Аёллар дафтари"га киритилиб амалий ёрдам кўрсатилган хотин-қизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги "Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 145-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида кўрсатилган ёрдамлар ва хотин-қизларнинг розилик хатлари асосида 4264 нафар хотин-қизларни "Аёллар дафтари"дан чиқаришингизни сўрайман.

Бундан ташқари ажрим арасидаги оилалар билан ишлаш ва уларнинг оилаларини тиклаш мақсадида туман Оила ва хотин-қизлар бўлими, туман ИИБ, туман Прокуратураси, туман Фуқаролик ва Жиноят ишлари бўйича судлар раислари билан ҳамкорликда ижтимоий тармоқларда ва телевидение орқали оилавий ажримларнинг олдини олиш, биз оилавий ажримга қаршисиз ва ўзвараолиқлики олдини олиш мавзуларида давра сўхбатлари, кенгайтирилган танқидий йиғилишлар ва индивидуал уч-

рашувлар ташкил қилиниб, қўллаб оилавий ажримларнинг олдини олиш, ҳуқуқий масалага эҳтиёжи бўлган оғир турмуш шaroитида яшовчи 52 нафардан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари ўрганилиб, амалий кўрсатмалар берилди. Низоли оилаларнинг 75 нафари яраштирилди. Ўтган йилнинг 11 ойи давомида оилавий ажримлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 тага ошган.(2022 йил 144 та, 2023 йил 146 та).Ажрим кўрсаткичлари айниқса Бунёкор МФЙда 5 тага, Бахмал ҚФЙда 5 тага, Муствақилик МФЙда 4 тага, Қутлубод МФЙда 4 тага, Новақ МФЙда 2 тага, Нуробод МФЙда 2 тага, Нушкент МФЙда 2 тага, Дўстлик МФЙда 2 тага,Нуррафшон МФЙда 2 тага, Оқтош ҚФЙда 1 тага, Ойқор ҚФЙда 1 тага, Тонготар МФЙда 1 тага, Янгибоб МФЙда 1 тага, Маданият МФЙда 1 тага ошган-лиги қайд этилган бўлса Сарой, Дувлат, ғалакон маҳаллаларида 2023 йил 11 ой давомида умуман ажрим қайд этилмаган.

Хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчилик 2022 йил 11 ой ҳолатига 16 тани, 2023 йил 11 ой ҳолатига 8 тани ташкил этиб 8 тага қамалган бўлсада Ўсмак ШФЙда 3 та, Оқтош ҚФЙда 3 та, Дўстлик МФЙда 1 та, Узунбулоқ ҚФЙда 1 та хотин-қизлар жинояти қайд этилган.

Хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, ишсизликни бартараф этиш бўйича ҳар бир маҳаллада муаммолари оилалар аҳоли ўрганиб чиқилиб уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича йўл хариталари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги "Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги 402-сонли қарори ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг 2022 йил 11 июндаги 24-сонли буйруғи ижросини таъминлаш бўйича Бахмал тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳузурида тегишли идора ва ташкилотлар раҳбар ходимларидан иборат таркибда Ишчи гуруҳлари тузилди.

Бахмал туманида тузилган ишчи гуруҳларга ўтган йилнинг 1 июндан 8 июнга қадар 224 нафар хотин-қизлар мурожаат қилдилар. Бахмал тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими ишчи гуруҳи томонидан талабгорларнинг аризалари ва тегишли хужжатлари белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасида 220 нафар хотин-қизларнинг хужжатлари белгиланган мезонларга тўла мос келиши бўйича қўмитага тавсиялар

берилди, 4 нафар талабгорнинг хужжати белгиланган мезонларга мос келмаганлиги сабабли рад этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндаги "Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида"ги 322-сонли қарори ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг 2022 йил 11 июндаги 24-сонли буйруғи ижросини таъминлаш бўйича Бахмал тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳузурида тегишли идора ва ташкилотлар раҳбар ходимларидан иборат таркибда Ишчи гуруҳлари тузилди.

Бахмал туманида тузилган ишчи гуруҳларга ўтган йилда 20 майдан 1 июнга қадар 53 нафар хотин-қизлар мурожаат қилдилар. Бахмал тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими ишчи гуруҳи томонидан талабгорларнинг аризалари ва тегишли хужжатлари белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасида 53 нафар хотин-қизларнинг хужжатлари белгиланган мезонларга тўла мос келиши бўйича қўмитага тавсиялар берилди.

Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жойларда 17 дан ортиқ талабгорлар ўрганилиб, шундан 13 нафарига шартнома пуллари тўлаб берилди.

Ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг 4 нафари вилоят Аёллари реабилитация қилиш ва мослаштириш марказида соғломлаштирилди. Жумладан, 2 нафарига психологик, 1 нафарига тиббий, 1 нафарига бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилди.

Оила ва хотин қизлар бўлими ва маҳалла фаоллари томонидан бир қанча тадбирлар ўтказилди.

Март ойида туманимизнинг ривожига ўз хиссасини қўшган хожи оналар, ҳозирги кунда ўз меҳнат фаолиятини олиб бораётган хотин қизлар ва шу билан биргаликда эҳтиёжманд ногиронлиги бор ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин қизларимиз ўртасида "Сен муқаддасан муқаддас аёл" тадбири ўтказилди.

"Аёл бахтли бўлса жамият бахтли бўлади" шиори остида ўтказилган тадбирда маҳалладаги фаол хотин қизлар иштирокида катта тадбир ўтказилди. Тадбирда туман Оила ва хотин қизлар бўлими, "Оқила аёллар" кенгаши аъзолари, бошланғич ташкилот фаоллари, психо-

логлар иштирок этишди.

Ҳар бир маҳалла ҳудудига жойлашган мактаб ва коллежларда ўқиётган ўқувчи қизлар ўртасида "Соғлом турмуш тарзи", "Эрта турмуш" ва "Эрта никоҳнинг олдини олиш" мавзуларида тадбирлар ўтказилди. Тадбирда маҳалла фаоллари, ҳамширалар, шифокорлар қатнашдилар.

15 май "Ҳалқаро оила куни"га бағишлаб "Ибратли оила" номи тадбирлар маҳалла, сектор, туман босқичида ўтказилиб, туман босқичида ролиб бўлган оила вилоят босқичида иштирок этиб, 3-ўринга сазовор бўлдilar.

11 октябрь "Халқаро қишлоқ аёллари куни", "Халқаро қизлар куни" муносабати билан ҳар бир маҳаллаларда тадбирлар ўтказилиб, тадбирларда фаол иштирок этган хотин-қизлар эъдалик совғалар ва туман ҳокимлиги ташаккурномаси билан тақдирландилар.

Секторлар ўртасида "Энг яхши фаол хотин-қизлар", "Бошланғич ташкилот" кўрик танловлари ўтказилиб, туман босқичида ролиб бўлган хотин-қизлар фаоллари вилоят босқичида иштирок этишди ва 1 ўринни эгаллаб совғалар билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 мартдаги "Обод ва хавфсиз маҳалла тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш механизминини белгилаш тўғрисида"ги қўшма қарор асосида йиғма жилдлар хотин-қизлар фаоллари томонидан юритилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги "Ижтимоий Реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек оилавий маъийий зўрлик ишлатишининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ 3827-сонли қарорига асосан "Биз ажримга қаршимиз" шиори остида ўтказилган тадбирда туман адлия бўлими, туман прокуратура, фуқаролик суди, ФХДЁ ходимлари ва тумандаги "Оқила аёллар" кенгашининг аъзолари иштирокида ҳар бир маҳалла-лардаги ажрим ёқасига келиб қолган оилалар қақиртирилиб, яраштириш чоралари қўрилади ва бир қанча оилалар яраштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 сентябрдаги "Хотин қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустақамлашга оид қўшма чора тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-376-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 23 та маҳалларда "Бандлик ва саломатлик" марказлари очилди. Шунга кўра 598 нафар хотин қиз-

(Давоми 8-бетда)

ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ЎРИНБОСАРИ - ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БЎЛИМИ БОШЛИФИ Х.БОЙМУРОДОВАНИНГ 2023 ЙИЛ ДАВОМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ОИД ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИШЛАР ЮЗАСИДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ҚИЛГАН МАЪРУЗАСИ БАЁНИ

(Давоми, аввали 7-бетда)

ларни бандлигини таъминлаш мақсадида 399 нафар хотин-қизларни тикувчиликка, 45 нафар хотин-қизларни қандолатчиликка, 154 нафар хотин қизларни эса ҳамширалик курсларига ўқитилди.

"Зулфияхоним қизлари" кўрик танловига туман босқичида 17 нафар қизлар санъат, фан, маданият, таълим, спорт ва адабиёт йўналиши бўйича иштирок этишди. Иштирокчи қизлар ўртасида 3 нафар қизлар номзодлари танлаб олинди ва ғолибликни қўлга кириштириб, вилоят босқичига йўланма олишди.

БМТ бош ассамблеяси томонидан эълон қилинган 25 ноябрь - Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш куни муносабати билан "Хотин-қизлар ҳамда болаларга нисбатан зўравонлиқни олдини олишга фаоллик кўрсатиш" мавзусидаги "Зўравонликка

қарши 16 кунлик" туркум тадбирлари муносабати билан ўтган йилнинг 29 ноябрь куни Бахмал тумани 78-сонли ихтисослашган мактаб биносига марказ ҳуқуқшуноси, туман тарбиёт гуруҳи ҳамкорлигида USAID Ўзбекистондаги Ҳуқуқий ислохотлар дастури ҳамда "Оила ва хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар" доирасида амалга оширилган "Комплекс гендер ёндашуви гендер тенглигига эришишнинг самарали воситаси сифатида" конференция ташкил этилди.

Маҳалла хотин-қизлар фаоллари, уюшмаган аҳоли билан тадбирлар 25 ноябрдан 10 декабргача ҳар бир ҳуудларда, маҳаллаларда, ташкилотларда "Биз зўравонликка қаршимиз" шиори остида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг 11 апрель 2023 йилдаги ЎРҚ 829-сонли қонунига асосан Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш

тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан хотин-қизлар ўртасида тадбирлар ўтказилди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, таълим олиш ва ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар, Оилавий поликлиника мутахассислари ҳамда маҳаллага бириктирилган дояра билан ҳамкорликда хотин-қизлар ўртасида репродуктив саломатлик қоидаларини, соғлом турмуш тарзини, эрта туғруқ, истеъмолган ҳомиладорлиқни олдини олишга оид ишларни кенг тарғиб қилиш ва спортни оммалаштириш, хотин-қизларни касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, оилавий ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш ҳамда ҳунармандлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, миллий ва анъанавий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, оилаларни мустақамлаш, ундаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, низоли ва зўравонликка мойил, зиддиятчи оилалар

билан ишлаш, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизларнинг радиал оқимлар таъсирига кириб қолишининг олдини олиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш, хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, таъзиқ ва зўравонлиқнинг олдини олиш, жабрланганларни реабилитация қилишнинг ташкил этиш, профилактика ҳисобиди хотин-қизлар билан ишлаш, чет давлатлардаги аёлларни оиласига қайтариш, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, хотин-қизлар масалалари бўйича маҳалладаги "еттилик" билан иш олиб бориш, мутасадди ташкилот ва идоралар билан ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича ҳар бир маҳалла хотин-қизлар фаоллари 2024 йил учун манзили чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқдилар.

MUSTAQIL O'ZBEKISTON ILK BOR O'Z AHOLISINI RO'YXATDAN O'TKAZMOQDA. NEGA?

Faqat taxminlarga tayanib ish ko'rgan odam yutqazadi. Tavakkalchilik, bashoratgo'ylik ma'lum jabhalardagina zarur. Aniq statistika esa har sohada kerak. Busiz rivojlanish haqida gapirish o'rsiz. Ayniqsa, hozirgi tez o'zgarib borayotgan zamonda!

Bugun biz so'z yuritmoqchi bo'lgan mavzu ham bevosita statistikaga dahldor. Ya'ni aholini ro'yxatga olish haqida.

Xo'sh, bu amaliyot nima uchun kerak? Nega keyingi bir yilda bu haqda juda ko'p gapirilyapti? Nima, bizda shu paytgacha aholi ro'yxatga olinmaganmidi?

Sanamay sakkiz demang!

Tasavvur qiling, xonadoningizda 10 kishi yashaydi. Demak, bozor-o'char qilishda ular sonini hisobga olasiz. Falon kilo qo'sht, falon litr yog', falon kilo un, qanchadir guruch va hokazo... Xonadon bekasi ana shu noz-ne'matlarni pishirib, dasturxonga tortishda ham, tabiiyki, uydagi odamlar sonini inobatga oladi: 10 kosada taom keltiradi. Faqat xonadon a'zolari yoshi, xohishi va ta'bidan kelib chiqqan holda ovqat kimgadir kattaroq kosada, kimgadir kichikroq idishda, kimgadir yog'sizroq, kimgadir sergo'shtroq qilib suziladi. Oilangizdagilar uchun kiyim-kechak xarid qilishda ham xuddi shunday yo'l tutasiz. O'g'lingiz yo qizingizni biror to'garakka bermoqchisiz? Bu o'rinda uning qiziqishi, qobiliyati, salohiyati, imkoniyatini hisobga olasiz!

Endi savol tug'iladi: qanday qilib bu borada to'g'ri va oqilona qaror qilishga erishyapsiz? Javob aniq: chunki sizda oila

a'zolaringizning har biri haqida aniq va to'liq ma'lumotlar bazasi bor!

Aholini ro'yxatga olish bilan bog'liq chora-tadbirlar zurratini ana shunga qoraylash mumkin. Masalan, Qoraqalpog'istonda xonadonlar issiq bo'lishi, odamlar qora qozoni qishin-yozin qaynab turishi uchun necha ming tonna ko'mir, qancha saksovl, necha ming kub metr gaz kerak? Buxoroda-chi? Xorazmda necha kishi ishsiz? Surxondaryoda yana nechta ta'lim muassasasi qurish lozim? Farg'onada nechta oila uy-joyga muhtoj? Samarqandda qancha tug'ruq yoshidagi ayol bor va mavjud tug'ruqxonalardagi o'rinlar soni ana shu ko'rsatkichga mutanosibmi? Sirdaryoda aholi xonadonlari asosan qaysi yillarda qurilgan? Surxondaryoda chiroq o'chmasligi uchun bir oyda qancha elektr energiyasi ishlab chiqarish zarur? Andijonda nechta oila bitta xonadonda istiqomat qiladi? Toshkent shahrida aslida qancha kishi istiqomat qiladi?...

Ko'ryapsizmi, aholini ro'yxatga olish, ya'ni birgina shu amaliyot bilan qanchadan-qancha muvollariga javob, qanchadan-qancha suammolarga yechim topish mumkin!

Biroq yuzaki va taxminiy ko'rsatkichlar bilan uzoqqa borib bo'lmaydi. Reja va dasturlarning manzilliligi, islohotlarning samaradorligi bu boradagi ma'lumotlarning aniq va ishonchililigi bog'liq. Shu bois ham donolarimiz azaldan yetti o'lchab bir kesmoqni nasihat qilib keladi. Xalq maqoli esa yana ham hikmatli: sanamay, sakkiz demang!

Baxmal tuman statistika bo'limi.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ЎЗГАРИШ

Оқ палтосин киймай қўйди ҳеч,
Очиқ сочиқ усти-бошлари.
Юрар эди ўранибгина,
У ҳам секин айниб бошлади.

Борган сари қўшниларига
Тақлид қилиб борар нозланиб.
Оқ сочларин бўяб янгидан,
Таннозланар, баҳор, ёзланиб.

Авваллари ундай эмасди,
Билиб-билиб ишин қиларди.
Ўхшамасдан аллакимларга,
Ўз ўрнини яхши биларди.

Таъсир қилди унга жамият,
Бор қилигин қилиб сафарбар.
Сенсоларда айланди боши,
Айнитди-да уни одамлар.

Йўқотмоқда таърифин секин,
Ва қизигин... эссиз, бояқиш.
Сўнги пайтлар ҳечам ўзига
Ўхшамайин боряпти-я қиш!...

МАКТАБ

Чучварани пишмасдан
Санаб, кўп бор пана едим.
Юз бурувдим кўп дарсдан,
Ўшанда сал ёш едим.

Ҳаёт - ҳиссиз муаллим,
Тўқдим бекор ёшимни.
Берди аёвсиз таълим,
гурра қилиб бошимни.

Девор кўриб дам бадам,
Манглай қонга беланди.
Ўйласам, ўшандай дам
Яхши-ёмон эланди.

Баҳолар сал ўзгарди,
Десам, бўлдим сал одам.
Артсам кўзимнинг гардин,
Учга тўлган дафтарчам...

Уҳ тортаман хўмрайиб,
Қаҳри қаттиқ ҳаётга.
Дер, "ўқмайсан, сенда айб,
Силжимади-да ётган".

Бунақада, эҳ, қачон
Битираман мактабни,
Десам, ҳаёт дер "нодон
қайтариб ол бу гапни.

Шошиб қайга борасан,
Яхши, узун бўлса йўл.
Олдин сен имтиҳонга
Бекам-у кўст тайёр бўл..."

Озода ҲАБИБУЛЛАЕВА,
Новқа МФЙ.

**BAХМАЛ
НАҲОТИ**

**MUHARRIR
To'xtamurod
BERDIYEV**

**Gazeta kompyuter
markazida terildi va
sahifalandi**

Manzilimiz:
O'smat shaharchasi,
Mustaqillik ko'chasi, tuman
Madaniyat markazi binosi.
Tel.: +998 99 194 72 69

**Tahririyatga kelgan
go'lyozmalar qaytarilmaydi.
Mualliflar fikri tahririyat
fikridan farq qilishi
mumkin.**

Nashr uchun mas'ul: F.Qudratov

Gazeta Jizzax viloyat matbuot va
axborot boshqarmasida 2006-yil
25-dekabrda 06-005 raqami bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta «RASTR PLYUS PRINT»
MCHJda chop etildi.
Adadi 150.
Bosmaxona manzili:
Jizzax shahri,
Sayiljoyi ko'chasi, 4-uy.
Bosishga topshirildi: 22.01.2024
Byurom №

MUASSIS

Baxmal tumani hokimligi